



## СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бабамуратов Жaxonгир Рустамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мустақил изланувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8137530>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> July 202

Accepted: 11<sup>th</sup> July 2023

Online: 12<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Солиқ қарзи, дебиторлар,  
дебитор қарз, солиқларни  
ундириш, солиқ ҳисоботи,  
давлат божси, кредитор, суд  
ҳужжатлари, суд  
ижрочилари.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада солиқ қарзини ундириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

**Кириш:** Республикамизнинг солиқ механизми олдида бир томондан давлат бюджетини зарур даромадлар билан таъминлаш, иккинчи томондан эса солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш вазифаси қўйилган. Бу вазифаларни бажариш учун солиқ тизимида иқтисодий ислохотлар олиб бориш билан солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, уларни бюджет тизимида барқарор тушишини таъминлашда солиқларни ундириш усуллари қўллаш механизмини такомиллаштириш, солиқ ундиришни оптимиллаштириш, солиқ қарзини камайтириш ва солиқ юкини енгиллаштиришни талаб этади.

Солиқ тизимидаги ислохотлар мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Солиқ маъмурчилиги солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқ ва мажбурий тўловларни ундирилиши ҳамда уларни тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш борасидаги солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ қарзини камайтиришда, солиқларни ўз муддатида ва тўлиқ ундиришда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришни илмий тадқиқот доирасида ўрганиш зарурлиги, қуйидаги муаммолар билан асосланади:

1. Солиқ ҳисоботлари шакллари такомиллашмаганлиги ва ҳисоботларни тўлиқ автоматлашмаганлиги.
2. Солиқ қарзини ўсиш тенденциясини мавжудлиги.
3. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш заруриятининг мавжудлиги.



Жахон миқёсида тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланиш борасида И.А.Каримов “Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга” деган фикрни билдирган.

Чет давлатларнинг солиққа тортиш, солиқ ундириш усуллари ҳамда солиқ қарзларини камайтириш йўллари ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз солиқ тизимига қўллаш, шунга асосан солиқларни ундириш механизмини оптималлаштириш ва солиқ қарзларини камайтириш йўллари такомиллаштириш илмий иш мавзусини долзарблиги ҳисобланади.

Ривожланган давлатларнинг солиққа тортиш, солиқларни ундириш, солиқ қарзини камайтириш ҳамда солиққа тортиш жараёни хорижий мамлакатларда амалда бўлган солиқ тизими Р.Гильфердинг (Германия), Дж. С.Миллинг (Франция) асарларида ўз аксини топган.

Рус иқтисодчи олимларидан М.Романовский, Н.Сычев ва Т.Юткина (налоги и налогообложение)нинг хорижий мамлакатлар солиқ тизимига оид солиққа тортиш, солиқларни ундириш усуллари ва улар орқали юзага келадиган муаммоларни ўз асарларида ёритган.

О. Калининнинг фикрига кўра, солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш керак, бироқ бу ягона ҳам мураккаб ҳам эмас. Албатта, биринчи навбатда солиққа оид қонун ҳужжатларини, хусусан солиқ маъмурчилигига оид қонун ҳужжатларини ҳамда локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш зарур.

Канадада солиқ қарзини вужудга келишини олдини олиш мақсадида давлат биринчи навбатда интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан уларнинг солиқ қарзини ундириш борасида аниқ ва ҳар бир ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга эътибор беради.

Японияда эса солиқ тўловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, ахборот ва хабардор қилишга йўналтирилган бутун бир давлат дастури мавжуд бўлиб, солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жаҳон амалиёти назарияси солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш адолатли ёндашув бобида урли нуқтаи назарга эга. Ана шундай қарашларнинг бирига кўра қарздор корхоналарни “нафас ростлаши” учун маълум имкониятлар яратилиши корхонанинг қайтадан “оёққа туришини” таъминлашга ёрдам беради.

Бундай тажриба кўпроқ солиқ тўловчининг манфаатлари учун ишлайдиган ривожланган мамлакатларга тегишлидир

Масалан, Англияда қарздор корхонанинг қарзини ундириб олиш учун судга мурожаат қилинганда, қарз устига янги қарзлар қўйилмаслиги учун улар давлат божи тўловидан озод этилган.

Шунингдек, Белоруссия ва Қозоғистонда солиқ қарзини ундиришни бир усули сифатида ундирувни қарздорнинг дебиторига қаратиш солиқ қонунчилик нормасида мавжуд.

Мамлакатимизда бу ҳуқуқ, қарздорликни қарздорнинг дебиторига қаратиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон



Республикаси Қонунининг 46-моддасига (*Мажбурий ижро этиш чоралари*) асосан суд ижрочиларига берилган.

Бу ҳолатда, солиқ қарзи бўйича ижро ҳужжатлари Мажбурия ижро бюроларида мавжуд бўлиши керак, бу эса қарздорликни ундирилишида анча вақт талаб қилади.

Республикада, амалдаги қонунчиликда, хўжалик юритувчи субъектлар муносабатлари ўртасидаги низолар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29-августдаги (670-1-сон) Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан (19-модда ) суд тартибида кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Латвия давлатида дебитор қарздорликни ундириш жараёни 2 та босқичдан иборат бўлиб , судгача ва суд жараёнида ундириш тартиби белгиланган. Қоидага кўра, судгача бўлган жараёнда кутилган натижага эришилмаганда ёки қарздорлик миқдори юқори бўлганда кредитор судга мурожаат қилади.

Даъво қилаётган субъект томонидан судга олдиндан давлат божи ва почта харажати тўлаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сон Қонуни 6-моддасига асосан мулк хусусиятга эга даъво аризалардан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ БХМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.


Бугунги кунда, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат божи ва почта харажатларини тўлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида дебиторлик қарзини ундириш юзасидан судга мурожаат қилаолмаганлиги сабабли солиқ қарзини ҳам ўз вақтида тўлай олмаяпти.

Шу ўринда, 2023 йилнинг 1 март ҳолатига солиқ қарзи мавжуд корхоналарнинг дебиторлари таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлил натижаларига кўра, Республика бўйича 8 235,7 млрд сўм солиқ қарзи мавжуд 50,7 мингта корхонанинг 69 843,2 млрд.сўмлик дебитор қарзи мавжуд (*1-жадвал*).

Бундан ташқари, 50,7 мингта корхона 5 674,0 млрд.сўм солиқ қарзини тўлаш учун суд орқали дебиторларидан ундириши учун ўртача солиқ қарзига нисбатан 7,9 млрд.сўм давлат божи тўлашига тўғри келади

				<i>млрд.сўм</i>
<b>Республика бўйича</b>	<b>Дебитори мавжуд қарздор корхоналар ар сони</b>	<i>шундан</i>		<b>Солиқ қарзини дебитордан ундириш имконияти</b>
		<b>солиқ қарзи</b>	<b>дебитори</b>	
	<b>50 796</b>	<b>8 235,7</b>	<b>69 843,2</b>	<b>5 674,0</b>



- Солиқ қарзи мавжуд корхоналар сони
- Солиқ қарзи суммаси
- Дебитор қарз суммаси
- Дебиторлардан солиқ қарзини ундириш имконияти

### Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- биринчи навбатда солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатларини нормаларини такомиллаштириш;
- солиқ қарзларини ундириш жараёни соддалаштирилиб, корхонани ортиқча харажатлардан ва янги қарздорликлар пайдо бўлмаслиги учун Англиядаги каби қарздорни судда иш кўрилганида давлат божидан озод этиш;
- солиқ органларига солиқ қарзи ундирувини қарздор солиқ тўловчининг дебиторига қаратиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу эса, муддати ўтган дебиторлик қарз ҳисобидан 5 674,0 млрд. сўмлик солиқ қарзининг тўланишига амалий ёрдам бериш имконияти билан бирга давлат божига тўлайдиган 7,9 млрд сўмни қарздор корхоналарни ихтиёрида қолиш имконияти яратилади.

### References:

1. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” Халқ сўзи 2005 йил 29 январь
2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 29.08.1998 йил 670-1
3. Давлат божи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2020 йил 6 январь, ЎРҚ-600-сон
4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги (258-II-сон) “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни.



6. О.Г. Калинин Ижтимоий иқтисодий тезлаштириш манфаатларида РФ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш. Афтореферат диссертация 2010
7. [www.court.lv](http://www.court.lv) Latviya iqtisodiy qonuni. 2016.